

IX. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 311,7 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 296,4 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,1 % ини ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Тошкент шаҳрида (20,7 %), Тошкент (10,3 %), Фарғона ва Андижон (8,7 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг худудлар бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	311,7	100,0	296,4	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15,0	4,8	14,4	4,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	27,0	8,7	25,4	8,6
Бухоро	17,2	5,5	16,3	5,5
Жиззах	13,6	4,3	12,9	4,4
Қашқадарё	19,9	6,4	19,2	6,5
Навоий	10,2	3,3	9,9	3,3
Наманган	21,4	6,9	20,3	6,8
Самарқанд	23,3	7,5	21,9	7,4
Сурхондарё	15,4	4,9	14,6	4,9
Сирдарё	10,4	3,3	9,7	3,3
Тошкент	32,0	10,3	28,2	9,5
Фарғона	27,1	8,7	26,7	9,0
Хоразм	14,6	4,7	14,0	4,7
Тошкент ш.	64,6	20,7	62,9	21,2

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуши, %




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 22,0 %), саноат (16,9 %), қурилиш (9,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,6 %) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да
Жами	311,7	100,0	296,4	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	23,8	7,6	22,2	7,5
саноат	52,8	16,9	50,4	17,0
қурилиш	27,9	9,0	26,5	8,9

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан %	минг бирлик	жамига нисбатан %
савдо	68,6	22,0	64,3	21,7
ташиш ва сақлаш	13,0	4,2	12,5	4,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	19,0	6,1	17,8	6,0
ахборот ва алоқа	6,9	2,2	6,5	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,3	2,0	6,2	2,1
бошқа турлари	93,4	30,0	90,0	30,4

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %




Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 95,1 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,9 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда ўзгаришсиз қолган.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, %

01.01.2017 й.


01.04.2018 й.



■ Фаолият кўрсатаётганлар
 ■ фаолиятсизлар


2018 йил 1 апрель ҳолатига 240,8 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 70,8 мингта, оилавий корхоналар – 12,7 мингта, масъулияти чекланган жамиятлар – 150,2 мингта, акциядорлик жамиятлари – 0,6 мингтани ва 6,5 мингтани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, минг бирликда




2018 йилнинг январь-март ҳолатига жами 15,5 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 10,3 % кўпроқ. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (3,2 мингта), Тошкент (1,4 мингта), Фарғона (1,3 мингта), Андижон ва Самарқанд (1,2 мингта) вилоятларига тўғри келади. Энг кам эса Сирдарё (0,4 мингта), Хоразм (0,5 мингта), Навоий (0,6 мингта) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (0,8 мингта) га тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг сони, минг бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 20,0 % , саноатда 19,3 % , қурилиш ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11,0 % ни ташкил этади.

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



2018 йил 1 апрель ҳолатига Республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 238,5 мингдан ортиқни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил шу даврига нисбатан 7,4 % га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 53,9 минтаси (жами субъектларнинг 22,6 %) Тошкент шаҳрига, 22,8 минтаси (9,6 %) Тошкент, 21,1 минтаси (8,9 %) Фарғона ҳамда 20,9 минтаси (8,8 %) Андижон вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 7,7 минтаси (3,2 %) Сирдарё, 7,9 минтаси (3,3 %) Навоий, 10,0 минтаси (4,2 %) Жиззах, 11,1 минтаси (4,7 %) Хоразм вилоятларига ҳамда 11,0 минтаси (4,6 %) Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
худудлар бўйича сони**

	2017 йил 1 апрель ҳолатига		2017 йил 1 апрель ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	222,0	100,0	238,5	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	10,1	4,6	11,0	4,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	22,5	10,1	20,8	8,7
Бухоро	12,2	5,5	13,1	5,5
Жиззах	8,9	4,0	10,0	4,2
Қашқадарё	14,3	6,4	14,9	6,2
Навоий	7,0	3,2	7,9	3,3
Наманган	15,5	7,0	16,2	6,8
Самарқанд	15,2	6,9	16,8	7,0
Сурхондарё	10,1	4,5	11,2	4,7
Сирдарё	7,1	3,2	7,7	3,2
Тошкент	20,9	9,4	22,8	9,6
Фарғона	18,9	8,5	21,1	8,9
Хоразм	10,8	4,9	11,1	4,7
Тошкент ш.	48,5	21,8	53,9	22,6

Фаолият кўрсатаётган жами 238,5 мингдан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектларининг 63,8 мингтаси (26,8 %) – савдода, 49,7 мингтаси (20,8 %) - саноатда, 26,3 мингтаси (11,0 %) - қурилишда, 21,7 мингтаси (9,1 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 17,7 мингтаси (7,4 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 12,3 мингтаси (5,2 %) - ташиш ва сақлашда, 6,3 мингтаси (2,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, 4,7 мингтаси (2,0 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, шунингдек 36,0 мингтаси (15,1%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %**




Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига Тошкент вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 13,2 % ни (3451 та) ташкил қилган, Андижон вилоятида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонига 6,6 % ни (1462 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 174 тага ўсган.

Ҳисобот даврида 4,3 мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 0,9 мингтаси (жами фаолияти тугатилганларнинг 20,2 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2018 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 5815 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 683 тага ёки 13,3 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 3243 таси қўшма корхоналар, 2572 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва
хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳар 3785 та (65,1 %), Тошкент 631 та (10,9 %) ва Самарқанд 305 та (5,2 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Хоразм 52 та (0,9 %), Қашқадарё 55 та (0,9 %), Навоий 65 та (1,1 %) ва Сурхондарё 71 та (1,2 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	5815	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	87	1,5
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	177	3,0
Бухоро	97	1,7
Жиззах	90	1,6
Қашқадарё	55	0,9
Навоий	65	1,1
Наманган	105	1,8
Самарқанд	305	5,2
Сурхондарё	71	1,2
Сирдарё	83	1,4
Тошкент	631	10,9
Фарғона	212	3,7
Хоразм	52	0,9
Тошкент ш.	3785	65,1

Фаолият кўрсатаётган 5815 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 2511 таси (43,2 %) саноат, 1142 таси (19,7 %) савдо, 343 таси (5,9 %) қурилишда, 227 таси (3,9 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 187 таси (3,2 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 171 таси (2,9 %) ташиш ва сақлашда, 141 таси (2,4 %) ахборот ва алоқада, 82 таси (1,4 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 1011 таси (17,4 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўришиб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Жами	5815	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	187	3,2
саноат	2511	43,2
қурилиш	343	5,9
савдо	1142	19,7
ташиш ва сақлаш	171	2,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	227	3,9
ахборот ва алоқа	141	2,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	82	1,4
бошқа турлари	1011	17,4

2018 йилнинг январ-март ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 387 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 208 тага кўпайган ёки 2,2 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 76 та, Туркия Республикаси – 59 та, Қозоғистон Республикаси – 55 та, Хитой Халқ Республикаси-54 та ва Корея Республикаси – 35 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари кўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

387 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (249 та), Тошкент (41 та), Самарқанд (27 та) ва Фарғона (14 та) вилоятлари ҳиссалариги тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Хоразм (1 та), Қашқадарё (2 та), Андижон (3 та), Наманган ҳамда Навоий (4 тадан) вилоятларини киритиш мумкин.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
худудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	387	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	8	2,1
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	3	0,8
Бухоро	7	1,8
Жиззах	11	2,9
Қашқадарё	2	0,5
Навоий	4	1,0
Наманган	4	1,0
Самарқанд	27	7,0
Сурхондарё	12	3,1
Сирдарё	4	1,0
Тошкент	41	10,6
Фарғона	14	3,6
Хоразм	1	0,3
Тошкент ш.	249	64,3

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иктисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 134 та, савдода 108 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 33 та, қурилишда 32 та ва бошқа фаолият турларида 80 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг

иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвеститцияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда. Масалан, республикамизнинг 6 та туманида, жумладан Олот, Зафаробод, Томди, Бойсун, Қизирик ва Миришкор туманларида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мавжуд эмас. Шу билан бирга, 2018 йил 1 апрель ҳолатига 179 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар рўйхатида турибди. Булар Тошкент шаҳри (57 та), Тошкент (71 та), Самарқанд (11 та), Наманган (8 та) ва Андижон (7 та) вилоятларидадир.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2018 йил 1 апрель ҳолатига 13275 тани ташкил этиб, улардан 12695 таси ёки 95,6 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 28,1 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда

■ Рўйхатдан ўтган ■ Фаолият кўрсатаётган ■ Янги ташкил этилганлари

